

Ishonch

2020 йил 9 январь • пайшанба • № 6-7 (4292)

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ягона йўлимиз – тадбиркорлар сонини кўпайтириш, одамларни ишбилармон қилиш

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 8 январь куни Давлат бюджети параметрларини ижро этиш ва ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича жорий йилги ўсвор вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Илғор хорижий тажриба ҳамда синалган амалиёт асосида мамлакатимизда миллий солиқ тизими яратилди. Солиқлар сони ва ставкалари оптималлаштирилди. Қўшилган қиймат солиғининг ставкаси 20 фоиздан 15 фоизгача пасайтирилди. Бунинг натижасида ўтган йили тадбиркорлар иктиёрида жами 2 триллион сўм маблағ қолди.

ромадларни таъминлаши учун ўзи излашни, тадбиркорга шароит яратиш, бизнес вакиллари билан елкама-елка ишлаши керак, – деди Шавкат Мирзиёев. Жойлардаги раҳбарларнинг эскича иш услуби, энергия ресурслари истеъмоли ва тўлови бўйича ҳисоб-китоб юритиши, тадбиркорларни қийнаётган масалаларга ёндашуви танқид қилинди. Ўтган йили Мирзо Улуғбек, Ғузур ва Муборак туманларида фаолият кўрсатмаётган тадбиркорлар сони ошгани қайд этилди.

иктисодий масалалар бўйича биринчи ўринбосарлари, молия ва солиқ идоралари томонидан амалга оширилаётган вазифалар белгилаб берилди. Аввало, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш ҳамда фаолиятини тўхтатган корхоналарни тиклашга кўмаклашиш кераклиги таъкидланди. Бунинг учун электр, газ, йўл, сув билан боғлиқ инфратузилмани яхшилаш, янгиларини барпо этиш зарур. Шу боис ҳокимиятлар томонидан ошириб бажарилган даромадлар, биринчи навбатда, ҳудудларда мавжуд инфратузилмани яхшилашга йўналтирилиши белгиланди.

Ташкилоти ҳамда уларнинг объектларини ҳисобга олиш, иш ўринлари ва тадбиркорлар фаолиятини легаллаштириш бўйича ҳам топшириқлар берди. Электр энергияси ва табиий газ истеъмоли учун қарздорликни қисқартириш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тошкент, Сирдарё, Самарқанд, Навоий вилоятлари ва бошқа жойларда дебитор қарздорлик кўпайгани, автомобилларга газ қуйиш шохобчаларида катта миқдорда талон-торожликлар аниқланаётгани қайд этилди. Бу энергия ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг молиявий аҳволига салбий таъсир этиши билан бирга, ҳудудлардаги тадбиркорларнинг электр ва табиий газ таъминотида узиллишларга сабаб бўлмоқда.

«Ўзқурилишматериаллари», «Ўзкимёсанот» каби йирик корхона ва ташкилотлар бюджет кўрсаткичларига сезиларли таъсир кўрсатади. Эндиликда улардан тушумлар яқинда тузилган Йирик солиқ тўловчилар билан ишлаш инспекцияси томонидан мустақил йиғилади. Бош вазир ўринбосарлари ва маслаҳатчиларига ўз комп-лекслари таркибидаги корхоналарда ишлаб чиқариш кўрсаткичларини ҳар ойда муҳокама қилиб бориш бўйича кўрсатма берилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Техрон шаҳри яқинида Украинанинг йўловчи самолёти кулаши оқибатида кўп-сонлар ҳалок бўлгани муносабати билан Украина ва Эрон Президентларига ҳамдардлик мактублари йўллади.



Ўзбекистон МДХ доирасидаги яна иккита ҳужжатга қўшилди. Улар 2006 йил 28 ноябрь куни Минск шаҳрида МДХ давлатлари раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг гуманитар ҳамкорлик бўйича кенгаши тўғрисидаги битим ҳамда 2008 йил 10 октябрь куни Бишкек шаҳрида МДХ давлатлари раҳбарлари кенгаши йиғилишида имзоланган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги иштирокчи-давлатларининг ҳудудлараро ва чегара олди ҳамкорлиги бўйича кенгаши тўғрисидаги битимлардир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ БАЁНОТИ

Ўзбекистонда Марказий Осиёга бевосита туташ Яқин Шарқда юз бераётган воқеалар алоҳида ташвиш билан қарши олинмоқда. Ҳарбий-сиёсий ҳолатнинг янада кескинлашиши кўп-сонлар қурбон бўлишига ва кенг қўламли гуманитар фалокатга олиб келиши мумкин, ҳаётий муҳим иқтисодий алоқалар ва коммуникация йўллари ваёрон қилади, минтақавий ва глобал хавфсизликка тузатиб бўлмас зарар етказиши мумкин.

Ўзбекистон томони ўта босиқлик тарафдори бўлиб, тарафдорликни камайтириш ва минтақадаги вазиятни мўтадиллаштириш учун қарама-қарши томонларни сиёсий-дипломатик чоралар кўришга чақиради.

Касаба уюшмаси аралашгач...

Бағдод туманида яшовчи фуқаро Назокат Мирзақаримова Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига мурожаат қилди. Унинг мазмуни шундан иборат эдики, Назокат Мирзақаримованинг турмуш ўртоғи Бахтиёр Мирзақаримов ишлаб чиқаришда содир бўлган бахтсиз ҳодиса оқибатида вафот этган, шу сабабли қарамоғидаги балоғат ёшига етмаган фарзанди учун зарар тўловларни ундиришга амалий ёрдам сўралган.


Нафақа олинди, зарар тўловлари ундирилди

Бирлашма мутахассислари Бағдод тумани ободонлаштириш бошқармасида ишлаган Бахтиёр Мирзақаримов билан содир бўлган бахтсиз ҳодисага оид ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, туман молия бўлимига бир йўла тўланадиган нафақа ва зарар тўловларини молиялаштириш масаласи юзасидан талабнома киритди. Бироқ туман молия бўлимидан ижобий жавоб олинмагач, вилоят молия бошқармасига алоқа хати киритилди. Унда зарар тўловини амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатлари талаби асосида амалга оширилиши сўралди. Мазкур хат асосида вилоят молия бошқармаси зарар тўлови бўйича

Шухрат РАҲИМХУҲАЕВ, Фарғона вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси «Меҳнатни муҳофаза қилиш» бўлими мудири

АҚШда Абдулла Қодирийнинг «ЎТКАН КУНЛАР» романи инглиз тилида нашр этилди

Аввал хабар қилинганидек, яқинда таваллудининг 125 йиллиги юртимизда ва халқаро миқёсда кенг нишонланган буюк адибимиз Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи илк бор бевосита ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинди ва Америка Қўшма Штатларида «Bygone days» номи остида китоб ҳолида чоп этилди.



2019 йил 27 декабрда Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонасида ушбу китоб тақдими бўлиб ўтди. Янги китобнинг илк нусхалари АҚШдаги давлат ташкилотлари, етакчи олий таълим муассасалари ва ушбу мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакилларига тарқатилди.

е-book шаклида ҳам чоп этилган. Машҳур асар таржимаси америкалик таниқли таржимон ва тадқиқотчи Марк Эдвард Риз томонидан амалга оширилган.

Молия вазири ва Солиқ қўмитаси раиси эътиборига!

Ҳар нарсага етган ақлингиз...

... Биз аввалига китоб ўқимай қўйдик деб кўп ва ҳўб айтдик, ёздик. Аслида ҳам шундай эди... Лекин давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги «Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида»ги қарори эълон қилинган, ҳолат ва муносабат тубдан ўзгарди. Китоб мутолаа қилишни хуш кўрадиганлар бу ўзгаришлардан, том маънодаги уйғонишдан суюнди.

Бўлди. Бир неча ой давом этган бу жараёнда турли бўғинлардаги раҳбарлардан тортиб оддий фуқаролар ҳам ўзлари ўқиган мактабларга (қисман боғчаларга) китоблар совға қилишди. Бу яхши, албатта. Аммо... Китоб савдоси билан шуғулланган тадбиркорларнинг айтишича, ўша вақтда китоб совға қилувчилар асосан нархта қараб иш тутишган. Яъни, кўпчилики китобнинг мазмун-мундарижаси, савияси ва сифати қизиқтирмаган. Улар кам сўммага арзон, сифатсиз китобларни кўпроқ харид қилишни ўйлашган. Уларни ҳам айблаб бўлмайди. Китобнинг нархи «чақар» даражада бўлмаса ҳам, «ботадиган» бўлгандан кейин шу-да...

Масъул ташкилотчи нимага масъул? 2

Жамоа шартномаси 3-6



2020 йил 8 январь куни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов БМТ Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA) вакилатхонасининг янги раҳбари Ю Юни қабул қилди.

2020 йилнинг 7 январь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси ва Тожикистон Республикаси Қўшма демаркация комиссиясининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди.

8 январь куни Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида Г. Каримова ва бошқаларга оид жиноят ишини кўриб чиқиш бўйича ёпиқ суд жараёни бошланди.

Меҳриддин Абдулаев «Ўзбекнефтогаз» АЖ бошқарув раиси этиб тайинланди.

8 январь – Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари ходимлари куни муносабати билан Бош прокуратурада байрам тадбири бўлиб ўтди.

Тила тилагингни! 7

Table with 3 columns: No, Bўлимлар, Бет. Rows include sections I to XVI covering various labor contract types and procedures.

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

Form for 'Меҳнат жамоасининг умумий йиғилиши (корхона, ташкилот, муассаса номланиши)'. Includes fields for date, location, and signatories.

КИРКИШ ЧИЗИГИ

сус танлашулар берилмаган ишлар, касблар ва лавозимлар рўйхати. 6. Ходимларга нуқулай меҳнат шартларида ишлаганини учун йиллик қўшимча тўловларни берувчи ишлар...

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

маси қўмитаси билан ҳамкорлик қилиш, ўзаро тақдирлар ва талабларни ўз вақтида қўриб чиқиш, меҳнат низолатини музокара йўли билан ҳал этиш; и) Корхонани бошқаришда ходимларнинг амалдаги қўну...

КИРКИШ ЧИЗИГИ

боғлиқ масалалар юзасидан маълумотлар тақдим этиш; в) Касаба уюшмаси қўмитасининг устарида белгиланган фаолиятини амалга ошириш учун уни хоналар, транспорт, ташки...

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

тилади: а) ишдан бўшатиб олинган ходимларни иш билан таъминлаш учун қилич бизнес субъектларини тасвир этиш; б) ўриндошликни, вақтинча ишлайдиган ходимлар сонини...

КИРКИШ ЧИЗИГИ

ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарар тўлашни қўзда тутилган миқдорда нафақа ва зарар тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга тўлашни лозим бўлган...

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

мумкин эмас. 6.2. Иш берувчи ва Касаба уюшмаси қўмитаси: 6.2.1. ходимларни ишдаги муваффақиятлари учун тармоқ ва давлат мукофотларига тақдим этиши; 6.2.2. ходимларни меҳнатдаги ютуқлари учун ҳамда юбилей саналарида (50, 55, 60 ёшга тўлганда):

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

5.11. Ходимларни мукофотлаш Корхонанинг мукофотлаш тўғрисидаги Низомига асосан амалга оширилади (12-илова). 5.12. Корхонада оширилган миқдордаги меҳнат ҳақи, устамалар, қўшимча тўловлар ва компенсацияларнинг кўйидаги турлари ва миқдорлари ўрнатилди:

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

етказилган зарарнинг ўрни қопланиши учун ҳамда ходимларнинг соғлиги ва меҳнати муҳофазаси қилинишига бўлган ҳуқуқлари чекланган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга мурожаат этиш;

жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони); 9.18.6. қарамоғида ногирон фарзанди бор ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш; 9.18.7. тармоқ касаба уюшмалари томонидан ўтказиладиган спорт тадбирларида иштирок этувчи ходимларни оила маошларини сақлаш ҳолда ўшбу қўнулар учун ишдан озод қилиди;

233-моддалари); б) икки ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (143, 227, 234, 236-моддалари); в) уч ёшга тўлмаган боласи бор аёллар учун (78, 84, 150, 224, 228, 229, 234, 237-моддалари); д) ўн икки ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи бор аёллар учун (150, 232-моддалари);

9.2. Тарафлар Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодексининг қуйидаги моддаларида назарда тутилган кафолатларга риоя этиш ва имтиёзлар бериш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

26

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

ва 31-иловларида белгиланади). 8.13. Ноқулай меҳнат шартларидаги ишларда банд бўлган ходимларга иш вақтинчи қисқартirilган муддатини белгилади ҳамда ўзига оғир, оғир ва ноқулай табиий иклим шартларида ишларда ишловчилар учун йиллик қўшимча тўлини 28-иловада мувофиқ беради.

23

КЎРКИШ ЧИЗИГИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР
1.1. Мазкур жамоа шартномаси (кейинги ўринларда «Шартнома») ... (корхона, ташкилот, муассаса номланиши) * иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги меҳнат оид, ижтимоий-иқтисодий ва касбага оид муносабатларни тартибга солишни норматив ҳужжат ҳисобланади.

2

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

Жамоа шартномасига 29-илова
Сут (шунага тенг бўлган бошқа озиқ-овاق маҳсулотлари), даволаш-профилактика озиқ-оватини бепул олиш ҳуқуқини берадиган ишлар бўйича
КАСБА ВА ЛАВОЗИМЛАР РЎЙХАТИ
Т/р Бўлим ва ҳокза Касб, лавозимлар номи Берилган керак бўлган озиқ-оват маҳсулотлари, даволаш-профилактика озиқ-оватини тушури

47

чиқиши) мажбуриятини олади. 9.22. Ходимларнинг иш ҳақидан Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлигида таълим олиши учун (ўзининг ўқиси ёки йирич олиши) ёшга тулмаган фарзандларининг ўқиси учун) йўналтирилган суммаларга солиқ солинамаслиги бўйича яратилган имтиёздан фойдаланиши Иш берувчи томонидан таъминланади.

30

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

дарслар ўтказиш, турли тадбирларда иштирок этиш ва бошқа ҳолларда) ходим ўз асосий ишидан озода этилади. Агарда юқорида кўрсатилган тадбирлар иш вақтида ўтказилса, бу ҳолда ходимнинг ўртача иш ҳақи сақланиб қолинади, мазкур тадбирлар ишдан ташқари вақтда ўтказилса, ходимга сарф қилинган вақтига муносиб қўшимча дам олиш вақти берилади.

19

КЎРКИШ ЧИЗИГИ

ларни тўлиқ ва сифатли бажаришларида қўмаклашувчи ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жорий ва истиқболли режа ҳамда дастурларини қабул қилиш каби масалалар юзасидан жамоа музокараларини олиб бориш бўйича таклифларни Иш берувчига киритиш бориши;

6

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

гилаб оладилар. 15.10. Шартнома имзоланган кундан бир ойдан кечиктирилмаган муддатда Корхонанинг кўп тиражли газетасида чоп этилади, брощура қўринишида нусхадан чиқарилади. Шартноманинг бир нусхаси ходимлар учун кўринадиган ғайиб осиб қўйилган, шунингдек, ходимлар Шартнома матни ва иловалари билан Корхонанинг ходимлар бўлимида, меҳнат муҳофазаси, иш ҳақи ва юридик бўлиmlарида ҳамда Касаба уюшмаси кўмитасида танишишлари мумкин.

43

гача қисқартirilган иш кунини белгилади, йил давомида жами Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини 50 бараваридан ортиқ қилиш ҳақида ажратиш; 11.4.12. уч ёшга тулмаган болалари бор аёлларга 1 соатга қисқартirilган иш кунини белгилаш;

34

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

сида ўрнатилган меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори 50 бараваридан кам бўлмаган миқдорда етказилади. Бунда меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг тариф қисми 50 фоиздан кам бўлмайди. 5.6. Иш ҳақини тўлаш муддатлари: а) ойнинг биринчи ярми учун - жорий ойнинг санасида; б) ойнинг иккинчи ярми учун - кейинги ойнинг санасида.

15

КЎРКИШ ЧИЗИГИ

IV. ИШ ВАҚТИ ВА ДАМ ОЛИШ ВАҚТИ
4.1. Корхонада иш вақтининг қуйидаги муддатлари қабул қилинади: а) нормал меҳнат шартларидаги ишларда банд бўлган ходимлар учун - 40 соатдан ортиқ бўлмаган муддат; б) 16 ёшдан 18 ёшгача бўлган ходимлар учун - 36 соат; в) 1 ва II гуруҳ ноғирони бўлган ходимлар учун - 36 соат;

10

БУКЛАШ ЧИЗИГИ

сидаги Қонуни ва бошқа қонуни ҳужжатлари амал қилади. 14.2. Иш берувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонуни ҳужжатлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқаро шартномалар ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг конвенциялари биноида касбага уюшмасининг ҳуқуқларига риоя қилиди, унинг фаолиятига ҳар томонлама қўмаклашади.

39

Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!



Самарқанд вилояти

Нуронийлар зиёратда


Пайариқ тумани ҳокимлиги ҳамда «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан шу туманда яшовчи бир гуруҳ кекса фахрийлар Хоразм, Бухоро ҳамда Навоий вилоятларидаги қутлуғ қадамжоларни зиёрат қилишди.

Саёҳат давомида қадимий обидаларни келажақ авлодга бекам-у кўст қиёфада етказиш бўйича салмоқли ишлар қилинаётганига гувоҳ бўлдик, – дейди «Нуроний» жамғармаси Пайариқ тумани бўлими раиси Фармон Хўжафасов. – Энг муҳими, баҳри дилимиз очилди, қалбимиз нурга тўлди.

– Ёшим 92 да, – дейди кекса отахон А.Тўрақулов. – Умрим давомида кўлаб жойларда бўлдим. Шу кунларга етказганига шукр қилдик.

Зиёратчилар тарихий обидалар, масжид ва мақбараларда аждодларимиз хотирасини ёд этишди, юртимизнинг бугунги қиёфасини томоша қилишиб, катта таассуротлар билан ортага қайтишди.

Ширинбой МАМАДАЛИЕВ ***



Бухоро вилояти

Жиззах вилояти

Марказий ҳарбий округ кўмондонлиги Жиззах вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Мардлар кўриқлайди Ватани!» шiori остида ватанпарварлик фестивали ўтказмоқда.



Мардлар кўриқлайди Ватани

«Фориш» тоғ полигонида бўлиб ўтган тадбирларнинг дастлабки куниде саҳна кўринишлари, «кўл жанги» чиқишлари, қурол-аслаҳа ва жанговар техникалар, ҳарбий кийим-кечак ва озик-овқат кўргазмаси ташкил этилди. Ҳарбийлар спортнинг кўл жанги, бокс ва тош кўтариш турлари бўйича, жаззахлик ёшлар эса арқон тортиш, камондан ўқ отиш, миллий кураш бўйича беллашдилар. Айниқса, «Темурбеклар мактаби» мактаби ўқувчилари ва ёш спортчиларнинг чиқишлари, ДХХ Чегара қўшинларига қарашли қисм ҳарбийларнинг кинология ва кавалерия кўшиқлари барчага манзур бўлди.

Беш мингдан зиёд ёшлар ва ҳарбийлар иштирок этган фестиваль ўзига хос байрамга айланиб кетди. Тадбир доирасида замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техни-

калар кўргазмаси намоиш этилди. Миллий халқ ўйинлари кўпчилик ёшларни ўз кучини синая кўришга чорлади. Айниқса, кураш, тош кўтариш, бокс, арқон тортиш, армрестлинг, камондан ўқ отиш каби мусобақаларда минглаб ёшлар иштирок этди. Фоллиблар Марказий ҳарбий округ кўшинлари кўмондонлиги ва вилоят ҳокимлиги томонидан таъсис этилган совринлар, фахрий ёрликлар билан тақдирландилар. Фестиваль давомида халқимизнинг миллий ўйинлари, хусусан, улоқ-кўпқари, от пойгаси, бедана ва хўрозлар жанги, мерганлик ҳамда автопойга ўтказилди.



Мўқимбой ИСМОИЛОВ, «Ishonch»



Қорақалпоғистон Республикаси

Йиғлаб борсам, хўнграб чиқди

Шу кунларда Хўжайли туманининг «Мустақиллик» ОФЙ ҳудудида фаолият кўрсатаётган шифокорлик пунктига шифоистаб келган киши шундай манзарага гувоҳ бўлади: кичкинагина бир хонани электр печи билан иситиб ўтирган тўрт нафар тиббиёт ходими ва нажот кутаётган беморлар...

Бу муассаса – «Қорақалпоғистон» ҚВПнинг «Мустақиллик» ОФЙдаги бирламчи тиббий-санитария ёрдам шохбосчаси (филиали). У қишлоқда яшайдиган уч минг нафардан кўпроқ аҳолига тиббий ёрдам кўрсатади.

Бизнинг қишлоқ шифокорлик пунктига миз ўн мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатади, – дейди «Қорақалпоғистон» ҚВП мудири Азамат Қутлимуратов. – Аммо ҳудудлар тарқок. Баъзи овуллар шифокорлик пунктдан ўн беш чакрим олисда жойлашган. Хўжайли тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиғининг 2017 йил 1-августдаги буйруғига асосан «Мустақиллик»

Мазкур муассаса иш бошлаганида «Мустақиллик» ОФЙда филиал ташкил этилган бўлиб, бугун мазкур вазифани бир нафар шифокор ва уч нафар ҳамшира бажариб келмоқда. – Ушбу иморатда 1996 йили қишлоқ врачлик пункти иш бошлаган эди, – дейди участка шифокори Карима Алланиязова. – Яқин йилларгача тўрт ярим мингдан кўпроқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келдик. Бинода етарлича хоналар мавжуд, Лекин таъмирталаб ҳолатда келгани ҳамда иситиш тизими ишламаслиги сабаб хоналар совуқ ва нам тортган.

– Ёз ойларида-ку, майли, кун иссиқ, шифокорлик пунктига келиб, муолажа олиш мумкин, – дейди

Шамшия Алламуратова. – Кишининг совуғида ким ҳам шароитсиз жойда, зах хонада даволанишга журъат этар эди? Мазкур муассаса иш бошлаган йилларида овул одамлари кундуз кунни ётиб (стационар) даволаниш имкониятига ҳам эга эди. Бу гаплар бугун кўпчиликка чўпчакдек туйилиши мумкин.

Президентнинг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекистон Республикасида бирамчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарориде қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш вазибалари белгила берилган. Хўжайли тумани «Мустақиллик» ОФЙ ҳудудида бу вазифани овул шифокорлик пункти ходимлари бажариши лозим. Аммо бугун уларнинг ўзи эътибор ва кўмакка муҳтож...

Ушбу ҳолатга Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари ҳамда Хўжайли тумани ҳокимлиги қандай муносабат билдирар экан?..

Ортиқбой МАМУТОВ, «Ishonch»



Оғриқ тишлар...

МУАССИС:



ISSN 2010-5002 2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ (таҳрир ҳайъати раиси), Улугбек ЖАЛМОНОВ, Анвар АБДУМУХТОРОВ, Сайфулло АҲМЕДОВ, Акмал САИДОВ, Равшан БЕДИЛОВ, Қутлимурот СОБИРОВ, Сўхроб РАФИҚОВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ, Нодира КАРИМОВА, Анвар ҚУЛМУРОДОВ, (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), Темур МАМАЖОНОВ, (бош муҳаррир ўринбосари-«Ishonch-Doverie» бўйича), Меҳриддин ШУКУРОВ, (Маъсул котиб - «Ishonch»), Валентина МАРЦЕНЯК (Маъсул котиб - «Ishonch-Doverie»)

Баш муҳаррир Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар: Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69 Ҳуқуқ ва халқро ҳаёт – (71) 256-52-89 Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79 Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43 Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар: Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22 Анджион вилояти – (+998-99) 889-90-23 Бухоро вилояти – (+998-99) 889-90-31 Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-25 Наманган вилояти – (+998-99) 889-90-28 Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28 Тошкент вилояти – (+998-99) 889-90-44 Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-36 Сурдаё вилояти – (+998-99) 889-90-55 Қорақалпоғистон вилояти – (+998-99) 889-90-32 Фарона вилояти – (+998-99) 889-90-41 Хоразм вилояти – (+998-99) 889-90-14 Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқлиниши мумкин.

Навбатчи муҳаррир: Ж.Наҳонов Муасхўҳлар: С. Шодиева, Д. Орипов Саҳифаловчи: Х. Абдужалилов

ЎЗА яқини – 22:10 Топшириди – 23:10

Газета офсет усудида, А-2 форматда босилди. Ҳақми 4 босма табоқ. Буюртма Ғ – 117. 30688 нускада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Манзилимиз: 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй. E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқиди. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчасида чоп этилди. Қорхона манзили: Буюк Турон қўчаси, 41-уй.

Таҳририй қўсбрақами: 2021 0000 0004 3052 7001, АТИБ «Ishonch bank» Яшнобод филиали, Банк коди: 00959, СТИР: 201133889, ОКЭД: 58130

Муаммоларни бартараф этиш назоратга олинди

«Ishonch»га жавоб берадилар

Қалб кўзи ёпилмасин! Ёхуд лавқабилки еҳрбаъларини. Advertisement for eye health with text and graphics.

«Ishonch» газетасининг 2019 йил 26 ноябрдаги сониде чоп этилган «Қалб кўзи ёпилмасин!» сарлавҳали мақолага Хоразм вилояти ҳокимлиги куйидаги мазмунда муносабат билдирди: «Ishonch» газетасида чоп этилган мақола юзасидан вилоят ҳокимлигининг 2019 йил 16 декабрда «Ishonch» газетасининг 2019 йил 26 ноябрдаги 141-сониде чоп этилган «Қалб кўзи ёпилмасин!» сарлавҳали мақолада қайд этилган ҳолатлар бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазибалар тўғрисида»ги йиғилиш баёни қабул қилинди. Мазкур йиғилиш баёни билан Ўзбекистон кўзи оғирлар жамаияти вилоят бўлимидаги мавжуд қарздорликни ўн беш кун мuddатда бартараф этиш

юзасидан тегишли масъулларга топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди. Мақолада келтирилган бандлик билан боғлиқ муаммо атрофлича ўрганилди. Вилоят ҳокимлигида ўтган йиғилиш баёни билан Урганч шаҳридаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан амалга оширилиши режалаштирилган тиббиёт ваталарини ишлаб чиқариш, Хива шаҳридаги ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси томонидан амалга оширилиши режалаштирилган газоблок ишлаб чиқариш билан боғлиқ лойиҳаларни амалга ошириш учун тегишли ташкилотларга кўрсатмалар берилиб, ижроси назоратга олинди. Хусусан, жамаият аъзолари билан вилоятдаги таҳрибали тад-

биркорлар ва ишлаб чиқарувчиларни жалб этган ҳолда маҳорат дарсларини ташкил қилиш, соҳа мутахассислари билан биргаликда янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда мавжуд лойиҳаларни ишга тушириш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш, лойиҳалар доирасида мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритиб бориш белгилаб олинди. Мақолада қайд этилган муаммоларни бартараф этиш юзасидан тегишли бошқармалар, ташкилотлар ва муассасалар раҳбарларига топшириқлар берилди ва ижроси назоратга олинди. Хоразм вилояти ҳокими ўринбосари С.САЛАЕВ